

Бу кишини таниймизми?



10:00 / 18.02.2022 3797

Суратдаги бу инсонга 1994 йили қирол Файсал мукофоти топширилганда у олишдан бош тортган: «Мен нимаики ёзган бўлсам, фақат Аллоҳ розилиги учун ёзганман. Менинг диним, эътиқодимни бузманглар» деган эди.

Францияда яшаган ярим аср вақт мобайнида бу инсоннинг қўлидан 40 минг одам Исломни қабул қилиб, мусулмон бўлган. Бу инсон ким эди дейсизми? Бу зот – шайх Муҳаммад Ҳамидуллоҳ Ҳайдар Абодий ал-Ҳиндийдир.

У ҳадиси шариф ва Ислом фикҳи ҳуқуқшунослиги тадқиқотчиси ва академик муаллифдир. Муҳаммад Ҳамидуллоҳ ўша вақтдаги Британия Ҳиндистонининг Ҳайдаробод шаҳрида 9 феврал, 1908 йилда туғилган.

У 22 тилда, ўз она тили урду тили билан бирга, форс, араб, француз, инглиз, немис, итальян, грек, турк ва рус тилларида эркин сўзлаша олган. 84 ёшида энг охири ўрганган чет тили таиланд тили бўлган.

1932 йилда Германиянинг Бонн университетиде фалсафа доктори даражасини олган. Кейинроқ эса Франциянинг Сорбонна университетиде иккинчи докторлик (D.Litt) даражасига эга бўлган.

Олим оила қурмаган балки, ўзини бутунлай илмга бағишлаган. У бир қанча тилларда 250 дан ортиқ китоб ёзган, дунёнинг турли тилларида 937 та илмий мақолалар чоп этган. Франциядалик пайтида нуфузли илмий мартабалар соҳиби, катта устоз бўлишига қарамай, талабалари билан бирга ўтириб овқатланган, сўнг идишларни ўз қўли билан ювган.

Ўша вақтдаги Покистон республикасининг Президенти марҳум Муҳаммад Зиёул Ҳақнинг номидан улкан илмий хизматлари учун «Хилал е Имтиаз» олий мукофоти берилганида, мукофотнинг пулдаги қиймати — 1 000.000 рупийни Исломободдаги исломий тадқиқотлар институтига эҳсон қилган. Сўнг: “Агар ушбу мукофотни бу ўткинчи дунёда қабул қилиб олсам, у ҳолда абадий охират диёрида нимага эришаман?”, деган эди.

Бу инсон ким эди дейсизми? Бу зот - шайх Муҳаммад Ҳамидуллоҳ Ҳайдар Абодий ал-Ҳиндийдир.

У ҳадиси шариф ва Ислом фикҳи ҳуқуқшунослиги тадқиқотчиси ва академик муаллифдир. Муҳаммад Ҳамидуллоҳ ўша вақтдаги Британия Ҳиндистонининг Ҳайдаробод шаҳрида 9 феврал, 1908 йилда туғилган. 2002 йил, 17 декабрда АҚШнинг Флорида штатида 94 ёшида вафот этган. Аллоҳим бизни чин ихлос ила ризқлантиргин!

@arabicuz манбаси асосида Бобур Аҳмад тайёрлади.